

Кунинг каламни кувиб ўтавергач, бора – бора, ахли калам билан бир оиладек бўлиб кетаркансан. Кичкиналарни ука дейсан, катталарни ака, ёши ўтганларни ота, кексаларни бобо! Аммо Одил Ёкубов етмишдан ошиб, саксонни коралаганда ҳам, негадир хамма “Одил ака” деб чакирарди. Сабаби, Одил ака жиддий киши бўлсада, ким билан сўзлашмасин, ўртага тўсик қўймасди. Одил ака ўзидан ўттиз – кирк ёш кичик билан ҳам тенгдоши билан гаплашгандай бемалол ўтирарди. Гаплашганда ниҳоятда зийрак, ниҳоятда хушмуомала, илтифотли эди. Сухбатни майдалаштирмас, йўк нарсалар хакида гапириб, вақт сарфламасди. Хазил – мутойибалари замирида албатта чуқур хикмат ётар, оилавий можоралару, сабзи – пиёзнинг ўйнаб – турган нархи хакида гап сўз бўлмасди. Кўпгина қариялар олтмиш – етмишдан ошгач акли заифлашиб, феъл – атвори бўшашиб кетади ва нафакани ўз вақтида келмаслиги-ю, набираларининг бежагимлигидан шикоятга ўтади.

Одил ака эса саксон ёшда ҳам бир қадам ортга чекинмайдиган, мард, катъиятли, темир иродали, кўркмас жангчига ўхшарди. Тафаккури шундай эди. Фикрлаш қобилияти забардаст ва юксак эди.

Буюк одамлар хакида ёзиш, ўқувчилар истагандай ёритиш, аниқ ва батафсил таъриф келтириш буюк асар ёзишдай эплаб бўлмайдиган иш. Айниқса, Одил Ёкубовнинг хайбати олдида, улугворлиги олдида факат таъзим ва хайратдан ёқа ушлаш мумкин холос.

Одил аканинг дахоси факат кенг осмонгагина сигади.

Мажнун Лайлини бир умр ўтли харорат ва сўзсиз мухаббат билан севгани сингари Одил ака ҳам халк ва хақиқатни бутун умри давомида оловли мухаббат билан изчил ва фидойи, жону – жахонини бериб севди.

Махаллийлик билан эмас, чучмал, юзаки, енгил – елпи сафсатабозлик билан эмас, Балъзак Францияни ва француз халқини, Толстой Россияни ва рус халқини, Габриэль Маркес Колумбияни ва колумб халқини севгандай севди ва юксакка кўтарди. Ўзининг киркдан ортик тилларга таржима қилинган асарларида буни исботлаб берди. Одил ака миллатимиз қахрамони эди.

Хаётининг сўнгги кунларида Одил ака хаста бўлиб қолди. Кўнгилларини бироз кўтариш, бироз руҳлантириш учун, – “Одил ака, сизни хар бир ўзбек хонадони севади, ўзбек китобхони соғайиб кетишингизни дуо қилиб турибди – деганимда, – Мен бу халқ учун ҳеч нарса қилолмадим, хаётим хавога соврилди, мана Абдулла Қодирийни айтса бўлади, халқ учун нимадир қилди деб, Абдулхамид Чўлпонни айтса бўлади, Абдулла Ориповни айтса бўлади, мен ҳеч нарса қилолмадим – дея, чуқур “ух” тортдилар. Бу шундай огир “ух” тортиш эди-ки, одамнинг сўнгги нафасидай огир ва кўтариб бўлмасди. Бу иқрорни Одил ака саксондан ўтиб айтган бўлса-да, ижодининг бошларидаёқ шу иқрор билан ижод қилди ва бир лаҳза бўлсин ўзига талабчанликни, каттиққўлликни сўндирмади. А. Қодирийдай, А. Чўлпондай бўлиш орзуси билан бир умр яшади. Одил аканинг юқоридаги гаплари ҳеч қимдан ҳеч нарса таъма қилмаётган, аксинча адабиёт олдида қарздор эканлигини таъкидлаётган, камтар ва камсуқум ижодкорнинг самимий сўзлари эди.

Одил ака сухбатларининг бирида бобоси Ёкуб шайх бўлганлигини, советлар даври бошланиб, исломий уламолар бирин-кетин қиргинбаротга учраб жон саклаш амру – махол бўлган пайтлар хакида гапириб берганди. Бутун умри исломий хаёт билан яшаган шайх масжидга боролмайди, тўртта одамга қўшилиб номоз ўқийолмайди, номоз вақти келганда азон айтиб, жумага чақиролмайди. Жойномоз тўшаса уйига биров бостириб

келадигандай жони халак. Худди дарёнинг йўлига тўгон ташлангандай. Номоз ўкимай деса, Худодан кўркади. Худога хиёнат килишдан, Яратганга осий бўлишдан кўркади. Шунда Ёкуб шайх ховли этагидаги тут дарахти ковагига бошини сукиб азон айтади. Бу азон азон эмас, Ёкуб шайхнинг фарёдидир, кўнгил нолаларидир, замондан ёзгиришидир, боскинчиларга карата исёни, кўл билан отолмаган тоши, тил билан айтолмаган нафрати, дил билан айтган лаънатномасидир. Нима бўлганда ҳам боскинчилар зулми, халкимизни кай даражада хору – зор килганига бу воқеа шохид.

Одил ака ҳам адабиётимизнинг шайхи эди. Мен у кишини адабиётдаги ўрнини шу даража юкори кўярдимки, ялтокилик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, таъмагирлик билан адабиётни ёлгон - яшикка тўлдириб ташлаётганлардан кизгонардим.

Товус канчалик серхашам, сервикор бўлмасин кичкирганда ёкимсиз ва бехосият овоз чикаради. Баъзи ёзувчиларнинг бундай овозларидан гохида кочиби кутулолмайди киши. Уларни кўрганда Одил ака ҳам, худди бобоси сингари, тут ковагига бошини сукуб, дод деб юборса керак деб ўйлардим.

Тутуриксиз асарларни кўрганда, ўгри муттахамга карагандай қарарди. Одил ака шу даражада сўз заргари, сўз шифокори эди-ки, гапириб турган одам, у кандай мавзуда, нима ҳақда гапириб турганидан катъий назар, сўзларига қараб у ким ва кандай одам эканлигини билиб оларди. Худди шахматчи шахмат доналарини сурганда, кай даражада эканлиги яққол кўрингандай, футболчи ўйнаганда кай даражада эканлиги яққол кўрингандай, Одил ака ҳам гапириб турган одамнинг сўзларига қараб кай даражадаги инсон эканлигини яққол кўриб турарди. Одил ака сўз санъаткори эди ва сўз илмини шу қадар мукамал эгаллаган эди-ки, одамнинг оғзидан чиккан гап орқали, ўша одамнинг ичини, хаётини, бутун қисматини, бутун қусру – нуқсонларини, фазилат-у, аслиятини яққол англаб оларди. Худди мохир шифокор қон томирларни ушлаб, одамнинг хаста ё соғломлигини аниқлагандай.

Шундай бўлсада Одил аканинг юзлаб турфа хил шогирдлари бор эди. Хаммаси ўзига хос ва ҳар хил фикрларди. Умуман, хурфикрлилик ва эркин мушоҳада ҳақида Одил аканинг ўз дунёқараши бор эди. У киши Ёзувчилар уюшмасига раис бўлиб, атрофига кўплаб, турфа хил фикрловчи шоир ва ёзувчилар йигилганда, бир кизик гап айтгандилар: “Биласизларми, ўтовнинг тепасида туйнуги бўлади. Ичкарида ёкилган оловнинг тутуни ўрлаб ўша туйнукдан чиқиб кетади. Агар туйнук ёпилса, тутун ташқарига чиқолмайди, ичкаридагиларни бўғиб, ўлдиради. Жамиятда ҳам эркин фикр бўлмаса, тутун ташқарига чиқиб кетмаса, ўтовдагиларнинг ахволи вой!”

Одил ака албатта эркинлик, хурфикрлилик деганда оғзига келганини гапирадиган, ўз манфаати учун гапирадиган кишиларни назарда тутмагани, фақат халқ манфаатини юкорига кўтарувчи, миллат шаънини юксалтирувчи, Мустақилликни улугловчи гоёларнигина ҳақиқий деб билар ва мана шу ҳақиқат йўлида қурашар, ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмасди. Бировга ноҳақ озор беришдан, ноҳақ жазолашдан, ранжитишдан, кўнглини қолдиришдан кўрқар, амал қурсисида мустаҳкам ўтириб, унча – мунча одамни яқсон қилиб юборишга қудрати етиб турган чоғларда ҳам, замоннинг бевафолиги ҳақидаги бобоси Ёкуб шайхнинг гапларини ёддан чиқармасди: – Отанг Эгамберди боскинчиларга ишониб коммунист бўлди, қанча одамларнинг бошига мушкулот солди, аммо диёнатсиз золимлар унга вафо қилмади, уни коммунистларнинг ўзи ўлдирди. Шунинг учун ҳеч кимга ҳеч қачон ёмонлик қилма, фақат яхшилик, яхшилик, яхшилик билан яшаш керак, – дерди.

Албатта, халқ комиссари Эгамберди Ёкубов халқ душмани сифатида 1937- йил отувга

хукм килинади. У империяни кўркитаолган, ёвуз боскинчилар каршисида каддини тик тутган ва миллат учун ўлим шарафига муяссар бўлган ўзбек миллатининг мард ва фидоий фарзандларидан эди.

Одил Ёкубовнинг атрофида турли хил касб эгалари, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, махалла оксоколлари, олимлар, ўқитувчилар говжум бўларди. Энди ўйласам, бунинг сабаби, сохалар турли бўлгани билан хақиқат битта эканида экан.

Бир кун Одил аканинг олдига, сўзбоши ёздириш учун “Сизни севмай бўладими...” номли китобимни олиб борган эдим. Харкалай, буюк ёзувчи “ок йўл” ёзса, мактаниб юраман деб, иддао қилган эдим. Китобдаги шеърлар, хикоялар асосан севги, мухаббат, ишк можаролари хақида эди. Буларнинг Одил акага нима алоқаси бор, энди ўйласам таажубланаман. Одил ака бир хафталар ўтиб, сўзбоши тайёр бўлганини айтиб қолдилар. Китобим, ва сўзбошини кўлимга тутказар эканлар, “Энди ёшинг катта бўлиб қолди, енгил – елпи ёзишни тўхтатиш керак. Одам ҳам мухаббат хақида шунчалик бўш ёзадими?

Хақиқатни ёзиш керак. Хақиқий мухаббатни, астойдил, ҳеч нарса бериш керак. Бутун фожиалари, дард – изтироблари, орзу – армонлари билан ёзиш керак.

Юрагингда мухаббат борми ўзи? – дедилар ва жавоб ҳам қутмай, ёзганларинг балки ҳозирги ёшларга ёқар. Энди севиш муаммо бўлмай қолди-ку!” – дея кўшимча қилдилар.

Мен, Одил аканинг биринчи гапиданок, ижодимдаги ўзим шу пайтгача кўрмаган, сезмаган камчиликни яққол кўрдим. Шу бир оғиз гапнинг ўзиёқ мен учун бутун умримга татийдиган сабоқ бўлди.

Бир пайтлар Муҳаммад Юсуф: – “Мухаббат ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Аниқ биламанки, бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган буюк – неъмат.

Инсонга кўрсатилган буюк - марҳамат. Худди омадга ўхшайди. Кимга мухаббат келса, одамнинг иши худди омади келгандай юришиб кетади. Шеър ёзиш учун ҳам катта қалб керак. Катта мухаббат керак. Катта мухаббатли шоирлар буюк шеърлар ёзишади...

... Тўғриси айтсам, юракдан бировни яхши кўрганман дейишга виждоним қийналади.

Тўғриси айтсам, бутун умр китобдан бошимни кўтармаган эканман. Шеърдан бошимни кўтармаган эканман. Юрагимдан бирор кизни яхши кўриб, кечалари ухламай шеърлар ёзмаган эканман” – деганди. Ўша пайтлар Муҳаммад Юсуфнинг бу гаплари жуда хайратланганди. Шоир ўзи севгани учун, ўзи қуйиб пишиб дард – чеккани учун мухаббат хақида шеърлар ёзади, шеърларидаги қахрамон шоирнинг ўзи деб ўйлардим.

Кейин билсам кўпгина шоирлар бировнинг дардини ҳам худди ўзиникидай қилиб ёзар экан. Худди маҳоратли актёр, мисол учун Шохруххонга ўхшаб. Агар, Шохруххон кинодаги қахрамонлари кечирган севгини ўз бошидан ўтказганда борми, ақлдан озиши ҳеч гап эмас эди. Муҳаммад Юсуф ҳам кўпинча шеърларини хаётдан олиб ёзарди.

Дўстларининг, таниш – билишларининг, кўрганлари, эшитганларини ёзарди. Албатта, шеърларидаги кўпгина дард – изтиробларни ўз бошидан кечирганди. Колаверса, М.Юсуфни “Юракдан бировни яхши кўрмаганман” деган сўзларини тўғри маънода тушунмаслик керак. “Янада кўпроқ, бундан ҳам каттиқроқ севишим мумкин эди,” – деган маънода тушуниш керак.

Мен, ҳам Одил аканинг танбехини бундан ҳам оловлироқ, бундан ҳам қучлироқ севиш мумкин эди-ку, деган маънода тушундим ва кейинчалик харгал хох у ўз дардим бўлсин, хох бировнинг дард – алами бўлсин, мухаббат хақида шеър ёзганимда юракдаги мухаббатни бор хақиқати билан, бутун изтироби билан, рўй – рост ёзишга уриндим.

Ёзган пайтим Одил аканинг сиймоси кўз олдимга келадиган бўлди.

Одил аканинг “Музкаймоқ” деган хикояси бор. Бу муаллиф хаётдан олинган асар. Хикоя

кахрамони – коммунист! Ўз хаётини, оиласини, фарзандларини ўйламай туну – кун ишлайди. Уйига келишга бир лахза вақт тополмайди. Аммо коммунистларнинг ўзи уни отишга ҳукм қилади.

Хикоя кахрамони оиласи, фарзандлари билан абадул – абад хайрлашар экан, коммунистларни кўришга кўзи йўқ эканини, ўзбек миллати буюк миллат эканини, коммунистлардан ўч олиш лозимлигини, хакикатни юзага чиқаролмай ўлиб кетаётганини айта олмайди.

Бор – йўғи, – Ўғлим, ота бўлиб сенга бир дона музқаймоқ олиб беролмадим-а, - дейди. Балки, 37- йилда музқаймоқ бўлмагандир, балки бўлгандир. Гап музқаймоқда эмас. Гап, отанинг ўғлига, “Мен бутун умр хакикат учун курашиб, хакикатни юзага чиқаролмадим – дея, армон билан хаёт билан хайрлашганида.

Хакикатни юзага чиқариш, хакикат учун курашиш Одил ака учун балки ўша кундан бошлаб бир умрлик эътикод бўлиб қолгандир?!

Хакикат учун курашиш, яшаш осон эмас. Халқимиз, тўғри гап тукканингга ёқмайди деб бекорга айтмайди. Лекин, тузсиз овқат бемаза бўлгани сингари, хакикатсиз яшаш ҳам беъмани. Одамлар ўз хаётини саклаш, енгил елпи хаёт кечириш, ёлгончилик, порахўрлик, айш – ишрат билан қанчалик яшамасинлар, барибир хакикатга мухтож бўлаверадилар. Хакикатсиз хаётда гўзаллик йўқ. Нур йўқ, файз – барака йўқ.

Одил ака хакикатни айтиш деганда, Чор Россияси Кавказ ўлкаларини босиб олаётганда Л. Толстой “Хожимурод” қиссасини ёзганини тушунарди.

Гитлер фашизми бутун Европага ҳужум қилган пайтда, Германияни тарқ этиб, “Будденброклар”, “Чўл бўриси” сингари романларни ёзган, фашизмга қарши курашган Томас Манн, Герман Гессе сингари немис ёзувчиларини, Чингиз Айтматовнинг совет тузуми одамларни манкуртга айлантиргани тўғрисидаги “Кунда” романини, Абдулла Ориповнинг қизил мамлакатни мадҳ эт деган пайтда, “Ўзбекистон – менинг Ватаним” дея ёзган асарларини тушунарди. Ва ўзи ҳам юқорида қайд этилган асарлардан қолишмайдиган “Улугбек хазинаси”, “Диёнат”, “Осий банда” сингари асарларни ёзди. Миллатимиз тортган жабру – зулм хақида Москвада тап – тортмай, мардонавор нутқ сўзлади.

Одил Ёкубов ижоди, ўзбек халқининг минг йиллик хаётини ўз ичига қамраб олган. Бундай кенг давр, ўзбек ёзувчилари орасида бирор ижодкорга насиб этган эмас. Ибн Сино хазратлари даври, Мирзо Улугбек даври, Отақўзи акалар даври бутун кўлами билан рўй – рост ва бир умр қалбда мухрланиб қоладиган даражада мухаббат билан ёзилган.

Фотограф Абдугани Жумаевнинг Одил Ёкубовни туширган бир фотоси бор. Фотограф бу расмни Одил акага кўрсатганда, Одил ака уни чапаничасига эркалаб сўқади.

Фотограф шундан буён хазиллашиб, Одил ака, сиз мени онамни сўққансиз, энди мен сизга ўғил бўлдим,” – дея завқ билан айтиб юради. Одил аканинг сўқишига сабаб, фото шундай зўр чикканки, даврнинг ҳар бир лахзасини ҳис қилиб турувчи нозик ва ўта хиссиётли юраги, дард – изтироблари, кўйинги сийратидаги асл қиёфаси акс этган. Гўё унда инсоннинг эмас, хакикатнинг кўзи қараб тургандай эди. Бу гениалъний суратни кўриб, Одил акани соғиниб йиғлайсиз, ичингиздаги бор гапни пичирлаб гапирасиз, ўртанасиз, “Сизни яхши кўраман!” – деб, ўқирасиз.

Суратдаги бу қиёфани, Одил аканинг сўнги кунларида, у кишини зиёрат қилиб, хайрлашаётганимда яна кўрдим. У пайт Одил ака билан бир умрга, сўнги бор хайрлашаётганимни билмаган эдим. Аксинча, “Сизнинг асарларингиз Нобель

мукофотига кўйилиши керак” – деб, курашга чорлаган эдим.

Шунда Одил ака: – “Хозир мукофотга кизикиш ёшидан ўтганман. Бир култум нафас хозир мукофот бўлиб турибди. Фарзандларим, набираларим, дўст – ёр билан икки оғиз суҳбатлашиб ўтириш мукофот бўлиб турибди. Худо, умримга яна бир кун кўшиб берса, шу бир кун ҳам мукофот. Хозир хотиним бир пиёла чой олиб келса, хузур килиб ичсам, шу ҳам мукофот. Хаёт – ганимат. Хамма бир бирига ганимат. Яшаб туришнинг ўзи ганимат. Хар бир одам билан кўришишни бахт деб билинг, мукофот деб билинг. Хатто энг разил одам бўлса ҳам, Худо уни яратганини, нимадир максатда, атайлаб бирор яхшилик учун яратганини унутманг. Бир – бирларинг билан ахил бўлинглар.

Халкнинг мухаббати энг катта мукофот эканини унутманглар. Мана эртами кечми кетаман, сиз ёшларнинг яхши асарларингиз, ўзбек халки кўксига тақилган мукофот.

Битта ёзувчи учун шунинг ўзи етарли. Соғ бўлинглар, саломат бўлинглар”.

Кишига хотирачалик ҳеч нарса хиёнат қилмайди. Одил ака, мен тугилиб ўсган Ховосда бўлган, Тошкентдаги хонадонимизда азиз меҳмон бўлган, болаларимни набираларим деб эркалаган, кўпроқ мен у кишининг хонадонларида бўлганман, телевидения, радио учун суҳбатлар уюштирганман. Лекин жуда кўп нарсалар хотирамдан абадул – абад ўчиб кетган. Уларни тиклай олмаيمان. Одил ака ҳеч қачон ўлмайди деб ўйлаганман. Агар у кишининг суҳбатларини тиклашим ва буни ёзишим мумкин бўлганида, бутун ижодим давомида қилган энг буюқ ишим шу бўларди.

Бахтимизга Одил Ёкубов асарлари ҳақиқатнинг ёник машъаласидай қайта – қайта чоп этилиб турибди, бутун дунёдаги миллионлаб ўқувчилари томонидан севиб ўқилмоқда, мутолаа этилмоқда.

Қачонки хаётнинг енгил – елпи томонларида юриб чарчаганимизда, ўткинчи ва сохта туйгулар ҳақда ёшидан безганимизда, хаётга жиддий ва тўғри кўз билан қарашни истаб колганимизда, албатта Одил Ёкубов асарларига мурожаат қиламиз, ва Одил Ёкубов мактабидан паноҳ топамиз!

Мухаммад Исмоил